

АБДУРАХМАНОВА Наргиза,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси кичик илмий ходими

АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ РАБОТ АБУЛ БАРАКАТ НАСАФИ

ANALYSIS OF THE WORKS OF ABUL BARAKAT NASAFI

Аннотация: Мақолада ҳанафий мактабининг забардаст фақиҳи, илм таҳсили, асар таснифи, танқид ҳамда таҳлил бўйича ўз йўналишига эга бўлган аллома Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида сўз юритилган. Олимнинг тафсир, ақида ва фикҳ йўналишларида ёзган беназир китоблари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, унинг устоз ва шогирдлари зикр қилиниб, манбаларда унга берилган таърифлар келтирилган.

Калим сўзлар: аллома, фикҳ, усул, ақида, тафсир, манба, матн, шарҳ, мерос.

Аннотация: В статье речь идет о жизни и научной наследии выдающегося учёного теолога, имеющего своего направления в исламской юриспруденции (фикх) Хафизиддина Абул Баракат Насафи. Приведена информация о его весомых научных произведениях в области тафсира, фикха и теологии (калям). Также упоминаются его наставники, ученики и приводятся признания, выраженные о нем в источниках.

Ключевые слова: мыслитель, фикх, метод, вероучение, тафсир, источник, текст, комментарий, наследие.

Annotation: The article deals with the life and scientific legacy of Hafiz ad-din Abul Barakat Nasafi, a prominent Hanafi jurist, scholar of science, classification of works, criticism and analysis. Information is given about the unique books written by the scholar in the fields of tafsir, aqeedah and fiqh. His mentors and students are also mentioned, and the descriptions given to him in the sources are given.

Keywords: thinker, fiqh (Islamic jurisprudence), method, aqeedah (belief), tafsir, analysis, source, text, commentary, heritage.

КИРИШ

Юртимизда ўзининг бебаҳо мероси билан дунёга танилган кўплаб буюк аллома ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Улар ақл-заковати, тафаккур дунёси ва юксак илмий салоҳиятининг маҳсули бўлган беназир асарлари ҳамда буюк кашфиётлари билан нафақат юртимиз, балки жаҳон аҳлининг маънавий мулки сифатида ҳам кадрланади.

Ўрта Осиёнинг боқий шаҳарлари ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Хива каби Қашқадарё воҳасининг йирик шаҳри Насафда ҳам асрлар мобайнида улкан ва бебаҳо мерос яратган буюк аجدодларимиз яшаб ўтган. Ана шундай алломалардан бири атоқли муфассир, муҳаддис, машхур имом ва фикҳ илмининг билимдони Абул Баракот Насафийдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мутафаккирнинг тўлиқ исми Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий бўлиб, туғилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ, бироқ Муҳаммад Шафик Ғирболнинг “ал-Мавсуа ал-арабия ал-муяссара” асарида унинг таваллуди милодий 1232 йил деб кўрсатилган [1:1833].

Абул Баракот Насафийнинг етук олим бўлиб етишишида устозлари “Шамсул аймма” (“Имомлар куёши”) унвонига сазовор бўлган машхур олим Муҳаммад ибн Абдуссаттор Кардарий (ваф. 642/1244 й.), Бадриддин Хоҳарзода (ваф. 651/1253 й.)ларнинг ўрни бекиёсдир. Шунингдек, у Бадриддин Жавохирзода Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим ва Ҳамидуддин Зарир Али ибн Муҳаммад Бухорий (ваф. 667/1268 й.) сингари устозлардан ҳам сабоқ олган.

Кардарий каби машхур олимнинг илм уммонидан баҳраманд бўлган Насафий “Ҳафиз уд-дин”, яъни “динни ҳимоя қилувчи” деган шарафли номга муяссар бўлган. Бу номга алломалардан икки кишигина сазовор бўлган бўлиб, булардан иккинчиси Ҳофизиддин Абул Фадл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Кабир Бухорийдир.

Насафий ўз замонасининг етук олимлари ҳисобланган кўплаб шогирдларни етиштириб чиқарган. Манбаларда унинг Муҳаммад ибн Муҳаммад Аҳмад ас-Санжарий (ваф. 749/1348 й.) Ҳасан ибн Али ибн Ҳажжож (ваф. 711/1311

й.), Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Жабалий каби шогирдларининг номи зикр қилинган. “Тож ут-тарожум фи табақот ал-ҳанафий” асарининг муаллифи Абул Фидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубугонинг келтирган маълумотиға кўра, “Ҳидоя”га шарҳ ёзган машҳур ҳанафий фақиҳ Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож ал-Ҳанафий ас-Сигнокий ҳам Насафийнинг шогирдларидан бири бўлган [2:25]. Сигнокий ёшлик йиллариданок фатво бериш ҳуқуқига эга бўлиб, Бағдод шаҳрида Имом Абу Ҳанифа (699-767) макбараси ёнидаги мадрасада фикҳдан дарс беради. Ундан “Маъориж ад-диroy” асарининг муаллифи Қавомиддин ал-Кокий (ваф. 1384 й.) ҳамда “ал-Кифоя” асарининг муаллифи Жалолиддин ал-Қурланий каби олимлар таълим олганлар. Олим 700/1301 йилда “ал-Ҳидоя” асарига “ан-Ниҳоя фи шарҳ ал-Ҳидоя” номли шарҳ ёзади. Шунингдек, у Мовароуннаҳрлик бир неча машҳур олимларнинг асарларига шарҳлар ёзади.

Абул Барокат Насафийнинг ҳанафий мазҳабиға асосланиб ёзилган “Канз уд-дақоик” номли фикҳий асаридан унинг устози Кардарийға мувофиқ фикҳда Абу Ҳанифа мазҳабиға эргашганини билиш мумкин. Эътиқодда у Имом Мотурудия таълимотини қўллаб-қувватлаган.

Абул Баракот Насафий Насаф шаҳрида туғилиб, вояға етган бўлса-да, Бухорода таълим олиб, жуда кўплаб мамлакатларға саёҳат қилган, ҳамма жойда ўз билими билан обрў-эътибор топган. Бир муддат Кермон шаҳридаги ал-Қутбия ас-Султония мадрасасида мударрислик қилган. Талабаларға Имом Мотуридий, Марғиноний ва ўз асарларидан сабоқ берган. Сўнгра Бағдодға келган. Бу даврда у дарс бериш билан бирға кўплаб машҳур олимларнинг асарларига шарҳлар ёзган [3:40].

Серқирра олимнинг илмий мероси улкан бўлиб, ундан кўплаб матн ва шарҳлар қолган. Аллома ҳанафий мактабининг забардаст фақиҳларидан бўлиб, илм таҳсили, асар таснифи, танқид ҳамда таҳлил бўйича ўз йўналишиға эга бўлган. Тарихий манбаларда унинг етук муфасссир ва моҳир усулчи экани ҳам қайд этилган. Унинг бебаҳо асарлари бугунги кунға қадар олим ва талабалар орасида мўътабар манбалар сифатида қадрланиб ўқилмоқда, тадқиқотчилар томонидан ўрганиб келиниб, кенг ва самарали фойдаланилмоқда.

Манбаларда унинг кўплаб китоблари зикр қилинган. Ислом ҳуқуқи бўйича “Ҳидоя”дан кейинги ўринда турадиган “Канз ад-дақоик” (“Нозик масалалар ҳазинаси”) китобида фикҳий масалалар кенг ёритилган бўлиб, унда Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ва бошқа мужтаҳид олимларнинг фикрлари, ривоятлари келтирилган, ибодат, муомалот, жазо ва шу каби масалалар баён этилган.

Абул Баракотнинг ислом ҳуқуқшунослиғига оид яна бир мўътабар асари “ал-Вофий” (“Мукаммал”)дир. Бу асар шунчалик қадрланадики, ҳатто баъзи олимлар уни Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”си каторида кўрадилар. Мазкур фикрни Котиб Чалабийнинг “Кашф аз-зунун” (“Гумонларни ечиш”) асарида ҳам ўқиш мумкин. Унда айтилишича, Абул Баракот “Ҳидоя”га шарҳ ёзмоқчи бўлади, лекин ўша замоннинг буюк олимларидан Тож аш-шариға уни бу фикрдан қайтаради. Сўнгра, Абул Баракот фикҳға оид “ал-Вофий” ва унинг шарҳи “ал-Кофий” (“Кифоя қилувчи”) асарларини ёзади. Бу билан у гўё “Ҳидоя” китобини тасниф этиб, унга шарҳ битгандай бўлади. Мазкур асар бошқа машҳур китоблар катори катта обрўға эга бўлади.

Олимнинг “ал-Манор” (“Маёқ”) номли асари усул ал-фикҳ ва унинг қонун-қоидалари ҳақида битилган бўлиб, унда Қуръон ва ҳадис асосида ҳукм олиш, ижмо ва қиёс қўллаш услублари каби масалалар ёритилган. У олимлар томонидан усул ал-фикҳ соҳасидаги фойдали асарлардан бири сифатида эътироф этилади.

Ҳофизиддин Насафий Имом Абул Қосим Муҳаммад ибн Юсуф Ҳасаний Самаркандий (ваф. 1161 й.) қаламиға мансуб “ал-Фикҳ ан-Нофеъ” (“Фойдали фикҳ”) асарига “ал-Мустасфо” (“Танланган”) номли шарҳ ёзган. “Ал-Мустасфо” асари муҳим фикҳий манбалардан ҳисобланиб, унда фикҳий далилларға алоҳида эътибор қаратилган, далил келтириш услублари аниқ баён этилган ҳамда масалаларнинг асл негизи очиқ берилган. Муаллиф асардаги масалалар ва унга боғлиқ вазиятларни чуқур таҳлил қилиб, масалаға доир муаммоларни ҳал қилган ва савол-жавоб тариқасида мантикий-фаразий қоидалардан ҳам фойдаланган.

Абул Баракот Насафийнинг тафсир илми бўйича “Тафсир ан-Насафий” номи

билан машхур бўлган ва ҳанафий мазҳабиға мувофиқ ёзилган “Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил” (“Қуръон маънолари ва таъвил ҳақиқатлари”) китоби алоҳида аҳамиятга эга.

Унда ислом дини асоси саналган Қуръон мазмуни шарҳланган ҳамда Насафийнинг бошқа асарларида бўлган муҳим ақидавий ва фикҳий масалалар ўз аксини топган. Шунингдек, “Тафсир ан-Насафий”да ислом оламида машхур бўлган асарлардаги энг эътиборли фикрлар ва муаллифнинг кенг дунёқараши, илғор ғоялари, бутун илмий маҳорати жамлангани боис мазкур тафсирга юқори баҳо берилади [4:15].

Шунингдек, олимнинг “ал-Мусаффо фи шарҳ ал-манзума ан-Насафия” (“ал-Манзума ан-Насафия асарини шарҳлаш бўйича мусаффо китоб”), “Ал-Манор”нинг шарҳи “Кашф ал-асрор” (“Сирларни очиш”), калом илмига оид “Умдат ал-ақоид” (“Ақидалар асоси”), “Баҳр ал-калом” (“Калом илми денгизи”), “Умдат ақидат аҳл ас-сунна вал-жамоа” (“Аҳли сунна вал-жамоа ақидаси асоси”) ҳамда “ал-Иътимод фил-иътикод” (“Эътиқоддаги таянч”) каби асарлари мавжуд.

Исломшунос олим Д.Махсудов олимнинг манбаларда зикр қилинмаган “Доират ал-вусул ила илм ал-усул” («Усул илмига етишиш йўли») қўлёзма асари мавжудлиги аниқлаган бўлиб, у Покистоннинг Ақурахтак шаҳрининг “Дор ал-улум ал-ҳаққония” кутубхонасида 4625/247 рақами билан сақланмоқда [4:15].

Абдулҳай Лакнавий ўзининг “ал-Фавоид ал-баҳия фий тарожум ал-ҳанафия” асарида Абу Баракот Насафийнинг Имом Аҳсикатий қаламига мансуб “Мунтахаб” асарига ва ўзининг “Манор” асарига иккитадан шарҳ ёзганини қайд қилган. Шунингдек, у олимнинг бир қанча мўътабар асарларини тилга олиб, уларнинг фойдали, фақиҳлар наздида мўътабар ҳамда олимлар назарида манзур эканини айтиб ўтган [5:102].

Юқорида номлари зикр қилинган асарлар Насафийнинг диний илмлардаги кенг қиррали билими ва бой илмий меросидан далолат беради. Асарларда кўтарилган масалаларнинг долзарблиги боис уларга асрлар оша кўплаб шарҳ ва ҳошиялар битилган.

Аллома ҳақида манбаларда турли таърифлар келтирилган. Абдулҳай Лакнавий ўзининг “ал-Фавоид ал-баҳия фий тарожум

ал-ҳанафия” асарида: “Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абул Барокат ан-Насафий замонасининг тенги йўқ комил имоми, фикҳ ва усулда етакчи, ҳадис ва унинг маъноларини билувчи жуда кучли олим эди”, деган. Шунингдек, ўз асарида Ибн Камол Бошонинг Насафий ҳақида: “Кучли билан заифни ажрата оладиган, асарларида мардуд сўзлар ва кучсиз ривоятларни келтирмайдиган муқаллид, фақиҳ олимлар жамоасидандир. У билан ижтиҳод даври тутаган, ундан кейин мазҳабда ижтиҳод қиладиган мужтаҳид қолмаган”, деб айтган гапини келтирган [5:102].

Абул Баракот Насафий 1310 йилда Бағдодга келган ва шу йили рабиул-аввал ойининг жума куни кечаси Бағдодда вафот этган ҳамда Исфохон яқинидаги Изаж шаҳрида дафн қилинган.

ХУЛОСА

Мовароуннаҳр уламоларининг зоҳидларидан бўлган алломанинг айрим китоблари ва уларнинг шарҳлари ҳали етарлича ўрганилмаган. Бу эса ушбу асарлар устида илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш лозимлигини тақозо этади. Зеро, Насафий асарларидаги масалаларнинг долзарблиги бугунги кун учун ҳам ғоятда аҳамиятлидир. Шундай экан, алломанинг ҳаёти, фаолияти, асарларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг моҳиятини очиб бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Муҳаммад Шафик Ғирбол. Ал-Мавсуат ал-арабия ал-муяссара. – Қоҳира: Дор ал-жилд вал-жамъият ал-мисрия, 1995. Ж. II. – Б. 1833.
2. Абул Фидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубуго. Тож ут-тарожум фи табақот ал-ҳанафия. – Бағдод: Матбаат ал-аъний, 1962.
3. Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 40.
4. Махсудов Д. Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТИУ, 2008.
5. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фий тарожум ал-ҳанафия. – Қоҳира: Дор ал-китоб ал-исломий. – 262-б.